

СУД-БИОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРДА МУРДА ҚОНЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ



*Усмонов Олим Зиёдуллаевич - РСТЭИАМ Тошкент
вилоят филиали олий тоифали давлат
суд-тиббий эксперти*

Аннотация. Ушбу мақолада Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимига 2020-2024 йилларда тақдим қилинган мурда қонлари бўйича маълумотлар ўрганилган.

Калит сўзлар: суд-биологик экспертизалар, қон, статистика.

Аннотация. В данной статье изучены данные по трупной крови, представленные в судебно-биологическое отделение Ташкентского областного филиала Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы за 2020–2024 годы.

Ключевые слова: судебно-биологическая экспертиза, кровь, статистика.

Annotation. In this article, data on cadaver's blood samples submitted to the forensic biological department of the Tashkent Regional branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical Examination during 2020–2024 were studied.

Key words: forensic biological examinations, blood, statistics.

Мавзунинг долзарблиги.

Суд-тиббий амалиётда ўлим тоифа, хил ва турларга ажратилади. Тоифа бўйича ўлим зўраки ва нозўраки турларга бўлинади. Зўраки ўлим ташқи таъсир натижасида, нозўраки ўлим эса касалликлар оқибатида содир бўлади.

Ташқи таъсир манбаига кўра зўраки ўлим қотиллик, ўз-ўзини ўлдириш ва бахтсиз ҳодиса хилларига ажратилади. Нозўраки ўлим хилларга бўлинмайди.

Ташқи таъсирнинг хусусиятига қараб зўраки ўлим қуйидаги турларга бўлинади: механик жароҳатлар, механик асфиксия, заҳарланиш, юқори ва паст ҳарорат, электр токи ва бошқа физик омиллар таъсири. Нозўраки ўлим эса унга сабаб бўлган касаллик турларига кўра таснифланади.

Ўлимнинг тоифаси ва тури суд-тиббий эксперт томонидан аниқланади, ўлимнинг хили эса қасд мавжудлигини белгилаш билан боғлиқ бўлгани сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатига киради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент вилояти филиали РСТЭИАМ

суд-биологик бўлимига тақдим қилинган мурдалардан олинган қон намуналари таҳлил қилинди. Таҳлилнинг асосий мақсади қон намуналари **ўлим турлари бўйича тақдим этилганлигини аниқлаш**, яъни суд-тиббий экспертизада ўлимнинг тури ва характериға оид маълумотларни ўрганишдан иборат бўлди. Бу жараёнда намуналарнинг тақсимои, хусусиятлари ва ҳар бир ўлим туриға мувофиқ келиши илмий асосда баҳоланди.

Тақдиқот мақсади:

2020–2024 йиллар давомида РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиалининг суд-биологик бўлимига тақдим этилган мурда қонларининг сони ҳамда уларға тегишли ҳужжатлар таҳлил қилиниб, мазкур давр мобайнида мурдалар сонининг ошиши ёки камайиши, шунингдек ўлим турлари бўйича тақсимланишни ўрганиш мақсад қилинди.

Тақдиқот материаллари ва усуллари.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимида мавжуд бўлган 2020 - 2024 - йиллардаги суд-биологик текширув далолатномалари ва текширув натижалари шунингдек иш тафсилотларининг маълумотлари текширув материалларини ташкил этди.

Ўрганилган маълумотлар натижалари жадвал асосида умумлаштирилиб, махсус дастур асосида компьютерға киритилди, маълумотлар базаси яратилди ва таҳлил натижаларига статистик ишлов берилди.

Тақдиқот натижалари ва муҳокамаси.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиалининг шаҳар, туман ва туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлинмалари томонидан 2020–2024 йиллар давомида мурдаларни суд-тиббий экспертизадан ўтказиш жараёнида суд-биологик экспертиза бўлимига жами **7950** та суюқ ҳолдаги қон намуналари йўлланмалар асосида тақдим этилган.

Йиллар кесимида таҳлил қилинганда, 2020 йилда 1285 та, 2021 йилда 1290 та, 2022 йилда 1662 та, 2023 йилда 1792 та ҳамда 2024 йилда 1921 та қон намуналари тақдим этилгани аниқланди (1-жадвал).

Тақдим этилган қон намуналари.

[1-жадвал]

№	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Жами	1285	1290	1662	1792	1921

Юқорида келтирилган рақамлар йилдан-йилға қон намуналари сонининг барқарор ўсиб бориш тенденциясини кўрсатади.

2020-2024 йиллар бўйича таҳлиллар

2020 йилда жами 1285 та ҳолатда суюқ ҳолдаги қон намуналари тақдим этилган бўлиб, улар орасида осилган ҳолда топилган мурдалар (256 та) ва тан

жароҳатлари билан аниқланган ҳолатлар (208 та) устувор ўринни эгаллаган. Шунингдек, шифохонадан келтирилган мурдалар (155 та), йўл-транспорт ҳодисалари натижасида вафот этган шахслар (125 та) ва ис газидан заҳарланиш ҳолатлари (115 та) ҳам салмоқли улушни ташкил этган.

2021 йилда тақдим этилган қон намуналари сони 1290 тани ташкил этган. Ушбу йилда ҳам осилиш ҳолатлари (250 та) ва тан-жароҳат билан боғлиқ ҳолатлар (210 та) юқори кўрсаткични сақлаб қолган. Шу билан бирга, уйда вафот этган шахслар (116 та) ҳамда чўкиш ҳолатлари (111 та) сонининг ортиши кузатилган.

2022 йилда жами 1662 та қон намуналари тақдим этилган бўлиб, бу олдинги йилларга нисбатан сезиларли ўсишни кўрсатади. Айниқса, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида вафот этган мурдалар сони 328 тага етган. Осилиш ҳолатлари (218та), шифохонадан келтирилган мурдалар (216 та) ва тан-жароҳат ҳолатлари (207 та) ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлган.

2023 йилда қон намуналари сони 1792 тани ташкил этган. Йўл-транспорт ҳодисалари (338 та), тан-жароҳат билан топилган мурдалар (257 та) ва осилиш ҳолатлари (235 та) етакчи ўринни эгаллаган. Бу йилда деярли барча турдаги ҳолатлар бўйича ўсиш тенденцияси сақланган.

2024 йилда эса энг юқори кўрсаткич қайд этилган бўлиб, жами 1921 та суюқ ҳолдаги қон намуналари тақдим этилган. Йўл-транспорт ҳодисалари (360 та), осилиш ҳолатлари (265 та) ва тан-жароҳат билан боғлиқ ҳолатлар (267 та) сонининг ортиши мазкур йилда суд-биологик экспертизалар ҳажмининг сезиларли ошганини кўрсатади (2-жадвал).

2020-2024 йилларда ўлим турлари бўйича маълумотлар.

[2-жадвал]

№	Ўлим турлари										Жами
	Уйда вафот этган	Кўчада чирган	Чўкиш	Шифохона	Ҳомила	ЙТХ	Термик куйиш	Тан-жароҳат	Осилиш	Ис газидан	
2020 й.	107	75	106	155	65	125	73	208	256	115	1285
2021 й.	116	80	111	156	65	130	62	210	250	110	1290
2022 й.	163	112	107	216	64	328	123	207	218	124	1662
2023 й.	188	124	130	230	69	338	105	257	235	116	1792
2024 й.	197	139	145	245	67	360	110	267	265	126	1921
Жами	771	530	599	1002	330	1281	473	1149	1224	591	7950

Хулоса: Юқорида ўрганилган маълумотларни инобатга олган ҳолда кўйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- 2020–2024 йиллар давомида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, суд-биологик экспертиза бўлимига тақдим этилаётган суюқ ҳолдаги қон намуналари сони йилдан-йилга ортиб борган.

- Энг кўп учрайдиган ҳолатлар сифатида йўл-транспорт ҳодисалари (1281 та), осилиш (1224 та) ва тан-жароҳатлар (1149 та) қайд этилган. Бу эса суд-тиббий экспертиза тизимида мазкур йўналишлар бўйича илмий-амалий тадқиқотларни янада чуқурроқ ўрганиш ва изланишлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Sud-biologik ekspertiza va tekshiruvlarni o‘tkazish qoidalari” to‘g‘risidagi 153-sonli buyrug‘iga 4-ilovala. 2012 yil 01 iyun.
2. Z. A. G‘iyosov “Sud tibbiyoti” Toshkent 2018 й. 221 б.
3. 7. А. А. Ефимова, Е. Н. Савенковой. “Судебная медицина” Москва 2012 й.
4. О.А.Йўлдошев“Ҳуқуқ тиббиёти” Тошкент, 1997.